# TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 4-dekabr / CHORSHANBA / № 96 (13755)


## Сайёр қабул



**Халқ қабулхонасида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида сайёр қабул бўлиб ўтди. Фуқароларнинг шахсий муаммолари, уй-жой, соғлиқни сақлаш, ер ва мулк ҳуқуқларига доир бошқа масалалар кўриб чиқилган тадбирда давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этишди.**

# Ангрен: ЯХШИ НИЯТЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ШАҲРИ



*Алишер РАЙИМОВ, Ангрен шаҳар ҳокими*

***Президентимиз яқинда Тошкент вилоятига ташрифи чоғида вилоятимиз имкониятларини юқори баҳолар экан, бунда шаҳримизга ҳам алоҳида урғу бердилар.***

**Дарҳақиқат, Ангрен сўнгги йилларда яшаш ва меҳнат қилиш учун қулай ҳудудга айланди. Сабаби, бу ерда хорижий сармоядорлар иштирокида замонавий корхоналар очилди ва юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Шу боисдан кўпчилик юртдошларимиз бу ерга келиб яшаш ва меҳнат қилишни хоҳлашмоқда.**

## “Тошкент ҳақиқати” минбари

Ангренга ишга юборишганида, очиғи, аввалига иккилангандим. Аммо давлатимиз раҳбарининг билдирган ишончи фақат олдинга дадил қадам ташлашга ундарди. Қолаверса, Чотқол ва Қурама тоғлар оралиғидаги бу шаҳарнинг табиатан кўнгли тоза, меҳнаткаш, уддабурон ва тадбиркор одамлари билан тезда киришиб кетдик. Яқинда бу ерда иш бошлаганимга ҳам уч йил бўлади.

Ўтган йиллар давомида шаҳар аҳолиси билан елкама-елка туриб, ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш йўлида кўп хайрли амалларга қўл урдик. Зеро, Ангрен, нафақат Тошкент вилояти, балки республикамизнинг йирик саноат марказларидан бири. Яна бир муҳим жиҳати, камтар, содда, самимий, меҳмондўст одамлар қўним топган бу ажиб гўшада 184 минг нафардан ортиқ кўп миллатли аҳоли аҳил-иноқликда умргузаронлик қилмоқда.

4












## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ




**ҚИБРАЙ туманида** “Ёшлар сайилгоҳи” барпо этилади. 24 соат узлуксиз фаолият юритадиган мажмуада ёшларнинг қизиқишлари асосида кўнгилочар, туризм ва санъат йўналишларига ихтисослашган савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бўлади.



**ПИСКЕНТ туманининг** “Ўзбекистон” ҳудудидаги “Parlar Fidan” МЧЖга қарашли дала майдонида Боғдорчилик ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентликлари ҳудудий бўлимлари, шунингдек, мазкур йўналишдаги фермер хўжаликлари масъуллари иштирокида семинар ташкил этилди. Унда германиялик олим ва агрономлар билан ҳамкорликда экспортбоп кўчатлар етиштириш ва интенсив боғлар барпо этиш бўйича мулоқот бўлди.



**ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани** электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан “Янги турмуш” маҳалласида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жараёнда янги трансформатор ва темир-бетон таянч устунлар ўрнатилиб, юқори кучланишли кабеллар тортилди.



**ЯНГИЙЎЛ шаҳрида** Жаҳон банкининг уч гуруҳдан иборат вакиллари билан учрашув ўтказилди. Меҳмонлар “Баҳор” маҳалласида янгидан барпо этилган кўп қаватли уйларнинг ҳолати билан ҳам танишишди. Шунингдек, мулоқотда “Янги ҳаёт”, “Янгиобод” маҳаллалари ва “Куркулдак” канали бўйларида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар муҳокама қилинди.



**БЕКОБОД тумани** ногиронлар жамияти ходимлари Халқаро ногиронлар кунида “Ёшлик-2”, “Фарҳод”, “Боғишамол”, “Илғор”, “Қўрғон”, “Ўзбекистон”, “Хос”, “Қўқони”, “Қуштамғали”, “Шова”, “Теракзор” маҳаллаларида яшовчи имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқароларнинг хонадонларида бўлиб, совғалар тарқатишди.

# Юракдан юракка

## Хайрия акцияси





2

# ДАДИЛ ҚАДАМЛАР, САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР




3

# ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИДА ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Сайёр қабул фуқароларга ўз муаммоларини тўғридан-тўғри вилоят ва туман раҳбарларига етказиш имкониятини яратди. Ишсизлик муаммоси, тадбиркорлик, уй-жой, соғлиқни сақлаш, ер ва мулк ҳуқуқларига доир масалалар ҳоким ва мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан тезкор ҳал этилди.

Бўка туманидан келган Муножат Тошбоева етти йилдан буён гепатит С касаллиги билан курашиб келаётганини, уч нафар фарзандини тарбиялашда қийинчиликларга дуч келаётганини сўзлаб берди. Вилоят ҳокими унинг мурожаатини тинглаб, дарҳол тегишли ташкилотларга бу масала бўйича кўмаклашишга топшириқ берди.

– Соғлиғингизни яхшилаш учун барча зарурий ёрдамни кўрсатамиз, – деди Зойир Мирзаев. – Фарзандларингизни тарбиялаш ва соғлиғингизни тиклаш борасидаги муаммолар ҳам ижобий ҳал этилади.

Шу куни умумий ҳисобда мингдан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилди. Улардан 250 таси Ўрта Чирчиқ, 100 таси Пискент, 40 таси Бекобод туманидан, 123 таси Янгийўл шаҳри ва туманидан тушди. Ўрганиш ва муддат талаб қиладиган масалалар бўйича масъул ташкилотларга топшириқлар берилиб, улар ҳам алоҳида назоратга олинди.

**Меҳриддин ИБРАГИМОВ,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*



## Қулайлик

# Ҳожикентга тезюрар поездда




Жорий йилнинг 3 декабрь санасидан бошлаб “Тошкент–Ҳожикент–Тошкент” йўналишида янги тезюрар электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Йўловчилар учун қулай шароитлар яратилган электропоезд махсус жадвал асосида кунига 6 марта ҳаракатланиши кўзда тутилган.


**Обуна— 2025**

*Қадрдон газетангиз*

**"TOSHKENT HAQIQATI"га**

*2025 йил учун*

**ОБУНА**

*бўлишни унутманг!*

# Юракдан юракка



Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан "Инсон қадри учун" шиори остида анъанавий "Юракдан юракка" номли хайрия акцияси ташкил этилди.

Уч кун давом этиши мўлжалланган хайрия тадбирининг илк кунида вилоят сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, бўлим ва котибиятлар мудирлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, кўнгиллилар иштирок этишди.

Акцияда вилоятдаги махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари томонидан қўл меҳнати билан ясалган маҳсулотлар намуналари сотуви ташкил этилди.

Тадбирни Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев очиб берди.

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда инсонга эътибор, "Инсон қадри учун" деган ғоя асосий мақсадимизга айланди, – деди вилоят раҳбари. – Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратиш каби ишлар давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Айниқса, туман ва шаҳарларда ташкил этилган "Инсон" марказлари ногиронларнинг ҳаётини енгиллаштиришга ёрдам бермоқда.

Айни пайтда, вилоятда 74,4 мингдан ортиқ ногиронлиги борлар яшамоқда, улардан 9,3 минг нафари доимий ёрдамга муҳтож. Уларга йил давомида ижтимоий ва моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 137 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, 3 минг 585 нафар ногиронлиги бўлган ва пенсия ёшидаги фуқаролар сиҳатгоҳ йўлланмалари билан бепул таъминланди. 13 минг 899 нафар ногирон шахслар учун протезлар, 12 минг 584 нафарига реабилитация воситалари етказиб берилди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, акциянинг дастлабки соатларидаёқ 15 миллион сўмдан зиёд миқдорда савдолар бўлган ва сотувлар 5 декабргача давом этади.

Хайрия акцияси 5 декабрь кунига қадар "Занги ота" ва "Шоабдумалик ота" зиёратгоҳларида ҳам давом этади.



Шунингдек, акцияда вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар ўз хайриялари билан иштирок этишмоқда.

Бу каби хайрия тадбирлари ногиронларга нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Ўз мухбиримиз**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

## Яхши хабар

# ХОНАДОНЛАРГА ЗИЛОЛ СУВ

**Қибрай туманида "Чинобод" сув тақсимлаш иншооти фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоот "Узумзор", "Хўжақўрғон", "Пўлат-қадам", "Шалола" ва "Май" маҳаллаларида яшовчи 15 минг 230 нафардан ортиқ аҳолини ичимлик суви билан таъминлайди.**



Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари эвазига қурилган объектда 7,5 км. янги магистраль ва ички тармоқлар тортилди. Шу билан бирга, лойиҳа асосида умумий ҳажми 500 м.куб. бўлган 1 дона ёпиқ сув сақлаш ҳовузи барпо этилди. Шундай ҳажмдаги яна бир сув сақлаш ҳовузи қурилмоқда.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

Шунингдек, Олмалиқ шаҳридаги "Олмалиқ" тантаналар саройида ногиронлиги бўлган шахсларга Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар Миллий ассоциацияси вилоят бўлинмаси ҳамда "Кўзи ожизлар", "Карлар", "Ногиронлар" жамиятларининг шаҳар бўлими томонидан тадбир ташкил этилди.

– Бугунги кунда вилоятимизда 74 минг нафар ногиронлиги бўлган шахс яшайди, – дейди ассоциация раҳбари Шаҳноза Абдураҳмонова. – Шундан 9 минг нафари тўшакка михланган, парваришга муҳтож кишилардир. Ўтган йили Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловнинг "Ногирон ва кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини ошириш" йўналишида грантни қўлга киритдик. Бугунги тадбир ҳам шу грант маблағи ҳисобидан амалга оширилди. Айни пайтда ассоциациямизга 50 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизлар аъзо бўлишган. Фаолиятимиз давомида турли ҳудудларда бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар билан учрашамиз, муаммоларини бартараф этишга ёрдам берамиз.

Тадбирда бир пиёла чой устида ширин суҳбатлар қурилди. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари барчага хуш кайфият улашди.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**



## Хабарингиз борми?

# БАЙРАМ КУНЛАРИ НЕЧА КУН ДАМ ОЛАМИЗ?

**Конституция куни байрами муносабати билан:**

* 7 декабрь, шанба – ҳафтасига 6 кун ишлайдиганлар учун иш куни, 5 кунликлар учун дам олиш куни;

* 8 декабрь, якшанба – байрам куни, барчага дам олиш куни;

* 9 декабрь, душанба – барчага қўшимча дам олиш куни.

* 14 декабрь (шанба) – иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун иш куни.

**Янги йил байрамида:**

* 28 декабрь, шанба – ҳафтасига 6 кун ишлайдиганлар учун иш куни, 5 кунликлар учун одатий дам олиш куни;

* 29 декабрь, якшанба – барча учун одатий дам олиш куни;

* 30 декабрь, душанба – 6 кунликлар учун қўшимча дам олиш куни, 5 кунликлар учун 14 декабрь – шанба кунидан кўчирилган дам олиш куни.

* 31 декабрь, сешанба – Президент фармони асосида барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни;

* 1 январь, чоршанба – Янги йил байрами, дам олиш куни.




## 10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси қабул қилинган кун

**Давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас. Аслида ҳам рамзлар миллатни буюк мақсадлар сари бирлаштирувчи, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантирувчи, халқни ягона ғоя остида ҳаракатга келтирувчи катта кучдир. Шу боис ҳар бир давлатчилик тарихида, энг аввало, ўша мамлакат халқининг ғояларини, умуммиллий ҳаракатини ўзида мужассам этувчи рамзларига алоҳида эътибор қаратилади.**

# Истиқлол мадҳияли, тинчлик посбони

Бугун дунёда 200 га яқин давлат ўз мадҳиясига эга. Улар орасида Ватанимиз мадҳияси улуғворлиги, оҳанграболиги билан ажралиб туради.

Мадҳия ўзи нима? Ўзбекистон давлат мадҳиясининг яратилиш тарихи ҳақида нималарни биламиз?

Мадҳия – мадҳ, мақтов қўшиғи маъносини англатади. Мамлакатнинг табиати, халқнинг қаҳрамонликлари, орзу-умидлари, буюк мақсадларини куйловчи, қонун билан тасдиқланадиган ва қўриқланадиган тантанали қўшиқ.

Мадҳия байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, турли давлат раҳбарларини кутиб олиш ва кузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ҳамда матн билан ифода этади. Шунингдек, мамлакат мустақиллиги, халқ озодлиги, давлатнинг буюк келажаги ҳақида куйлайдиган, фаровон жамият қурилиши йўлида фидокорона меҳнат, бунёдкорлик ва тадбиркорликка руҳ бағишлашга хизмат қиладиган истиқлол рамзидир.

Ўзбекистон давлат мадҳияси яратилишида айни шу жиҳатларга эътибор қаратилган.

Истиқлолнинг илк кунларидан шоир ва зиёлилар олдига давлат рамзларининг мустақиллик мазмунига мос янги нусхаларини тайёрлаш вазифаси қўйилди. Мазкур муҳим масала ЎзССР Олий Советининг XII чақириқ I сессияси кун тартибига киритилиб, унда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш қўмитасига янги мадҳиянинг матни ва мусиқасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Шунга кўра, тегишли комиссия тузилди.

Шундан сўнг давлат мадҳияси матни ва мусиқаси бўйича танлов эълон қилинди. Танловга республиканинг турли бурчакларидан ижодий ишлар кела бошлади. Муаллифлар орасида жуда машҳур инсонлар, санъаткор ва шоирлар бор эди. Низомга кўра, танловда ижодкорлар яширин имзо, яъни тахаллус билан иштирок этишлари керак эди. Якуний натижаларга кўра, 50 нафардан ортиқ шоир ҳамда 30 нафарга яқин бастакорлар мадҳия учун ўзларининг шеър ва мусиқаларини тақдим этишган. Кейинги босқич учун эса, 12 та шеър ҳамда Рустам Абдуллаев ва Бахтиёр Алиев тақдим этган мусиқалар саралаб олинди. Шунингдек, эски мадҳия мусиқаси (бастакор – Мутал Бурхонов) ҳам танловнинг финал босқичига ўтказилди. Эски дейишимизга сабаб, бастакор Мутал Бурхонов "Кўнгил хазинаси" китобида ёзишича, аслида ҳозирги мадҳиямизнинг мусиқаси 1946 йилда яратилган. У ўзи ёзган "Поэма"ни (мадҳия мусиқасининг шартли номи) давлат гимни сифатида қабул қилинишини кутмаган. Унга Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов янги матн ёзади. Эътиборлиси, Бахтиёр Алиев мусиқасига ҳам шу шоир шеър битган эди. Рустам Абдуллаев басталаган мусиқага эса, Мирпўлат Мирзо сўз боғлади. Олий Кенгаш сессиясига бир ой қолганда давлат мадҳиясининг муқобил вариантлари оркестр ва хор ижросида Ўзбекистон телерадиокомпанияси орқали оммага тақдим этилди. Халқ ўз фикрини телефон қўнғироқлари ва хатлар орқали билдира бошлади.

1992 йил, декабрь ойи... Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида мадҳиянинг 3 та муқобил варианти депутатлар муҳокамасига тақдим этилди. Мадҳиялар бирин-кетин тингланди. Уларнинг ҳар учаласида ҳам Ватанга муҳаббат, давлат мустақиллигини улуғлаш ва келажакка ишонч руҳи мужассам эди. Узоқ муҳокамалар натижасига кўра, А.Орипов ва М.Бурхонов томонидан яратилган мадҳиямизнинг ҳозирги варианти қабул қилинди.

Дарҳақиқат, давлат рамзлари орасида мадҳия халққа энг яқинидир. Байроқ ва герб – мамлакатнинг юзи бўлса, мадҳия унинг сози, халқнинг овозидир.

Зеро, мадҳия муҳим тадбирларда фуқароларнинг маънавий-руҳий кайфиятига кўтаринки таъсир этувчи кучга эга.

**У. ЖЎРАЕВ,**
**Бўка туманидаги 8-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**

## Маърифат

# КЕЛАЖАКНИНГ КЎЗЛАРИ

**Яқинда тармоқларда ўтган асрда олинган фильмдаги бир парча муҳокамаларга сабаб бўлганди. Унда дўппи кийган қизлар пиво ичиб, байрамни нишонлашаётганди. Дарҳақиқат, бу хунук ҳол. Аммо, бугун ҳаётимизда ҳам бундан баттар ҳолатлар кузатилаётгани ачинарли. Афсуски, бугун ёшлар ўртасида психотроп моддаларга ўчлик авжида. Айниқса, шаҳар мактабларининг юқори синф ўқувчилари орасида бу кўпаяётгани хавотирли.**

Ўқувчилар орасида "лидер"ликка интилиш иштиёқи кучли бўлади. Ҳозирда ана шу нарсаларни истеъмол қилаётганлар ўзларича лидер эмиш. Ҳаттоки, қизлар орасида ҳам бу иллат урчиётганидан ёқа ушлайсиз.

Бугун интернет асри. Одам беихтиёр йўлдан тойиши мумкин. Бу ҳолатда, нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналарнинг ҳам масъулияти ортиши керак эмасми? Ўсмирлик жараёнида инсон ҳамма нарсага қизиқувчан бўлади. Худди ана шу жиҳат – ғараз ниятда юрган, ичида маразни борларга қўл келади.

Ҳар қандай иллат жамият учун кони зарар. Замон тез, ота-она ишда. Фарзанд билан мулоқот деярли узилган. Бу бўшлиқ боланинг қадамини ножўя йўлларга бурайди.

Психотроп моддага ружу қўйган ёш паришонхотир, мақсадлари чалкаш бўлади. Истеъмолга муккасидан кетгач, яна "кайф" қилиш учун ҳеч нимадан ҳайиқмайди. Оқибат, жамиятга юк бўлади.

Замонамиз одамининг орзуси кўп. Уларга етаман деб тиним билмайди. Аммо, фарзанд тарбияси ҳамма нарсадан устун. Оқил фарзанд йўқдан бор қилиб обод қилса, ноқобили бориниям вайрон қилади. Шунинг учун ота-она доимо ҳушёр турмоғи лозим.

Ўқитувчининг қадри бўлмаган ерда, ножоиз ишлар кўпаяди. Тармоқларда кўряпмизки, кимдир боласи учун ўқитувчига қўл кўтарган, бошқаси укаси учун муаллимни дўппослаган, яна бир "жипириқ қаҳрамон" устозига қўл кўтарган... Хуллас, кунда-кунора ана шундай тасвирларга дуч келамиз. Ўйланиб қолади киши. Нега бундай бўляпти? Қачон ўқитувчи бундай хорликка маҳкум бўлди?



Муҳаммад Юсуфнинг шеъри ёдга келади:

*Тупроқдек хокисор, безовта жонлар,*
*Аммо қаноатда тоғдек улуғвор.*
*Ҳатто Темурдайин соҳибқиронлар,*
*Пирим, деб этагин тутган зотлар бор.*
*Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким? –*
*Оддий муаллимда, оддий муаллим.*

Ахир қайси рутбага эришсак ҳам ана шу оддий муаллимнинг меҳнати туфайли-ку! У калтакка муносибми? Қачонки, муаллимнинг ўқувчи олдида қадри ва ҳурмати юксак бўларкан, жирканч иллатлар томири кесилади. Шундай давом этаверса, ким билсин...

Бу бутун жамиятимиз муаммоси. Бунга барҳам берсак, пушаймонлик эмас, мамнунлик туямиз.

Ота-она – маҳалла – мактаб – муаллим... Ана шу занжир мутаносиб ишлаб, болаларнинг бўш вақти фойдали йўналтирилса – орзудагидек камол топишади. Бу эса, фозил жамиятнинг пойдеворидир!

Агар бугунги ҳолат фильм қилинса-ю, вақт ўтиб авлодлар уни кўришса, қай ҳолга тушишаркин? Юзлари қизариб, ажабланишса, мақсадга етган бўламиз. Акси бўлса, ҳаммамизнинг ютқизиғимиз бўлади.

Йўқ, яхшиси фильмда бизнинг ижобий хислатларимиз акс этиб, келажак кўзларни қувонтирсин.

**Зикрилла МУҲАММАД,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси – амалда

# РАҚАМЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ иллатнинг олдини олади

**Тошкент вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси инспекторлари орасида коррупция иллатларининг келиб чиқиши ва унинг таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш мақсадида комплаенс-назорат тузилмаси ва инсон ресурсларини бошқариш бўлимлари билан ҳамкорликда ишчи гуруҳ тузилган. Ушбу гуруҳ томонидан белгиланган режа асосида 22 та туман ва шаҳар бўлимлари ходимлари коррупция домига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадида вилоят прокуратураси, экопрокуратура ва Адлия бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда тушунтириш-профилактика тадбирлари ўтказилмоқда.**



Таъкидлаш жоизки, 2021 ва 2022 йилда 1 нафардан инспекторлар коррупцияга оид жиноят содир этганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган эди. Сўнгги икки йил давомида бундай ҳолат қайд этилмади. Бироқ бу ҳушёрликни сусайтириш мумкин, дегани эмас. Шунингдек, инспекторлар фуқаролар билан муносабатда қўпол муомалада бўлмасликлари учун «Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари» Қонуни бўйича мунтазам тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлар ва фуқаролар томонидан содир этилган қоидабузарликларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг тегишли моддаларини инспекторлар томонидан объектив малакалаш, таниш-билишчилик ва сунъий равишда енгиллаштирувчи моддаларни қўлламаслик борасида бош юрисконсульт билан ҳамкорликда бошқарма ҳузурида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Эътиборлиси, ҳар қандай коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида бошқарма томонидан рақамлаштирилган тизимдан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, инспекторларни фуқаролар билан бевосита мулоқотларига чек қўйиш максадида мурожаатлар ягона ойна орқали қабул қилинмоқда. Бунда, тегишли ҳужжатларни тўплашда экология соҳаси билан боғлиқ жараёнлар (ПДВ, ПДС, ситуацион карта, экологик экспертиза) босқичма-босқич рақамлаштирилган тизимга ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар томонидан белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш ҳолатларини қайд этиш ва олдини олиш мақсадида видеокамералардан фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги қарорига мувофиқ ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил 6 июндаги буйруғи билан Давлат экологик назорати ва кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш, коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш ва камайтириш чораларини кўриш мақсадида сирли мижоз институти жорий этилди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди. Бунга кўра, ҳозирги кунга қадар вилоят бошқармаси томонидан 8 та тадбир ўтказилди. Унда 5 нафар ходим ижобий натижа кўрсатди, 3 нафарига эса фуқаролар билан муомалада одоб-ахлоқ маданиятига риоя қилмаганликлари сабабли ички тартибда интизомий жазо қўлланилди.

**Фаррух САВРИДИНОВ,**
**вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассиси**

**Коррупция – ҳар қандай ислоҳот йўлига ғов экани ортиқча тасдиқ талаб қилмайдиган тушунча. Кейинги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши тоқатсизлик кайфияти кучайиб, бу борада илғор хорижий тажрибалар асосида дадил амалий чоралар кўрилмоқда.**



Айни шу вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент вилоятида ҳар соҳада порахўрликка қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида вилоят банк тизимини мутлақо коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш, очиқ ва шаффоф хизмат кўрсатиш, шунингдек, назорат тизимини кучайтириш борасида қатор ишлар қилинди. Аввало, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан тасдиқланган барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари зиммасига коррупцияга қарши ички назорат тизими – “комплаенс-назорат”ни босқичма-босқич жорий этиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Эндиликда ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати устидан тақдим этилган маълумотлар ёки шикоятлар тижорат банкларида ташкил этилган коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмалари томонидан ўрганилади. Улар тўғридан-тўғри Банк кенгашига бўйсуниши белгилаб қўйилган. Мазкур назорат тузилмалари ўз банкларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

Соддароқ айтганда, банкларда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ҳамда бундай иллатга йўл қўймаслик учун барча зарур тадбирларни амалга ошириш комплаенс-назоратнинг мезонидир. Ҳозирда вилоят тижорат банкларида ушбу функцияни 40 нафардан зиёд ходим бажариб келмоқда. Энг муҳими, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, халқаро экспертлар ҳамда комплаенс-назоратга масъул тузилмалар томонидан халқаро

Шунингдек, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида тарғибот-ташвиқот ва бошқа профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада амалдаги айрим меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, кераксиз маъмурий тартиб ва тўсиқларни бартараф этиш, айрим вазифаларни амалга оширишда ягона тартиб-қоидаларни жорий қилиш, қарорлар қабул қилишда бир кишига боғлиқ бўлмаслигини таъминлаш ҳамда аймрим соҳаларда инсон омилини камайтириш мақсадида янги электрон ва автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Коррупциявий омиллар пайини қирқишда ошкора муҳит, очиқ ва шаффоф фаолият ўта муҳим. Шунинг учун ҳам коррупцияга энг кўп мойил бўлган оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар берилиши тўлиқ рақамлаштирилди. Ҳозирги кунда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредит маблағларининг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz) жорий қилинди. Бу орқали кредит ажратиш тизимини соддалаштириш, кредит учун талаб этиладиган ҳужжатларни тўлиқ электрон кўринишга олиб келиш, инсон омилини кескин қисқартиришга эришилди.

Бундан ташқари, банкларда кредитлаш жараёнларига скоринг тизими жорий қилинди. Скоринг тизими орқали Солиқ қўмитаси ва кредит бюросидан олинадиган маълумотлар асосида мижознинг кредитга лаёқатлилиги ўрганилиб, овердрафт кредити ва микроқарзлар ҳамда мобиль илова орқали онлайн тарзда кредит ажратиш имкони яратилди. Бу тизимда ҳар бир фуқаронинг кредит тарихи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, агарда кредит тарихи қониқарсиз баҳоланса, мижозга кредит ажратилмайди.

Яна бир гап. Эндиликда банк хизматларида инсон омилисиз реал

# ДАДИЛ ҚАДАМЛАР, САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

тажрибалар асосида банкларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган амалий механизмлар жорий этилмоқда.

Дунё тажрибасига юзланадиган бўлсак, бирон-бир мамлакатни мутлақо коррупциядан ҳоли, дейиш мушкул. Бироқ превентив чораларни кўриш орқали бу иллатни максимал даражада минималлаштириш мумкин. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, ҳар қандай ташкилотдаги коррупциявий хатти-ҳаракатларга баҳо бериш ва бартараф этишда энг самарали воситалардан бири – бу турли алоқа каналларидан келиб тушган маълумотлар (мурожаатлар)ни батафсил ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширишдир. Шу боис банк ходимларининг ҳар қандай шубҳали ва ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан дастлаб айнан мазкур банкнинг коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тузилмасига мурожаат қилиш тизими яратилди.

## Семинар

# Тадбиркорларга яна бир қулайлик

**Нурафшон шаҳрида Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори юзасидан семинар ташкил этилди.**



– Қарорда Давактив агентлигининг “Тўловга қобилиятсизлик соҳаси”даги ваколатлари ҳамда фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланган, – дейди бошқарма масъул ходими Камол Тоирбеков. – Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан судгача санацияларни ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш, яъни кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан чегирма бериш тўғрисида қарздор ва кредиторлар ўртасида келишувга қаратилган битимлар солиқ ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари асосида агентлик томонидан 12 ойдан 24 ойгача жорий этилиши белгиланган.

Шунингдек, судгача санация қилишни Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш белгиланган. Устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, стратегик аҳамиятга эга, давлат мудофааси ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхоналар, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарга нисбатан биринчи навбатда судгача санация жорий этилади.

Содда қилиб айтганда, ушбу қарор корхоналарнинг суд томонидан банкрот деб топилишининг олдини олиш, уларни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда молиявий барқарорлиги таъминланишига хизмат қилади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**“Тошкент ҳақиқати”**
**мухбири**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат*

## Жараён

# “ҚАМЧИҚ” қишга шаймиқ?

**Маълумки, “Қамчиқ” довони пойтахтни водий вилоятлари билан боғловчи асосий магистраль йўл ҳисобланади. Кунига ўртача 30 мингдан ортиқ транспорт воситалари ҳаракатланадиган довонда қиш мавсумида кучли қор ва қаттиқ совуқда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мутасаддиларнинг доимий диққат марказида.**

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 ноябрдаги “Тошкент–Ўш” автомобиль йўли ва “Ангрен–Поп” электрлаштирилган темир йўлининг “Қамчиқ” довонидан ўтган қисмида 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш ва транспорт воситаларининг хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги баёни ижросини таъминлаш мақсадида довон ҳудудида фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва оқибатларини баратараф этиш учун жалб этиладиган куч ва воситалар жорий йилнинг 15 ноябрь кунидан “Юқори тайёргарлик режими”га ўтказилди.

Жумладан, 15 та механизациялашган назорат-кузатув гуруҳлари, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Автомобиль йўллар қўмитаси ходимларининг туну-кун навбатчилиги ташкил этилиб, улар яшаш шароитлари, замонавий алоқа воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, довонда фаолият юритаётган “Чинор”, “Эртош”, “Булоқ”, “Резак”, “Шеробод” тез-тиббий ёрдам кўрсатиш шахобчаларида мураккаб вазиятларда жабрланувчиларга тезкор кўмак кўрсатиш бўйича зарур шароитлар яратилиб, махсус тиббий ёрдам машинасининг 24 соат навбатчилиги ташкил этилган.

Ўтган мавсумда “Қамчиқ” Махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасининг диспетчерлик бўлимига турли мазмундаги хабар, маълумот ва мурожаатлар тушиб, навбатчилик масканлари ва механизациялашган-назорат гуруҳлари томонидан жойларга 5 мингдан ортиқ чиқишлар амалга оширилди. Мазкур чиқишларнинг мингга яқини йўл-транспорт ҳодисалари, ёнғинлар ва фавқулодда вазиятлар юзасидан бўлиб, уларда 8,5 мингга яқин ҳайдовчи ва йўловчиларга амалий ёрдам кўрсатилди, 200 дан зиёд жабрланганларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Айтиш жоизки, фавқулодда вазиятлар прогнозини тизимли юритиш мақсадида, Транспорт назорат инспекцияси, Давлат геологик мониторинг хизмати, “Ўзгидромет” хизмати маркази ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда А-373 “Тошкент–Ўш” автомобиль йўлида 60 га яқин, “Ангрен–Поп” электрлаштирилган темир йўлининг 50 дан ортиқ хавфли геологик ва гидрометеорологик участкаларида амалга оширилаётган муҳандислик-ҳимоя тадбирларининг бажарилиш ҳолати ҳар ойнинг учинчи ўн кунлигида жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилмоқда. Жумладан, довондан ўтган автомобиль йўлида 3 та, темир йўлнинг 4 та хавфли участкаларида муҳандислик-ҳимоя ишлари доирасида 365 минг м³ тош-тупроқ, 650 м³ темир-бетон ишлари, дарё қирғоғига 500 дона габион ўрнатилди ҳамда 590 метр сел йўллари очилди. Шунингдек, автомобиль йўлининг қор кўчкиларига хавфли участкаларида 130 дона қор ушлаб турувчи ҳимоя иншоотлари ўрнатилди.

Бундан ташқари, довон ҳудудида ўнлаб махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилиб, уларда муҳим стратегик объектларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва қутқарув тузилмаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари амалда синовдан ўтказилди. Шу билан бирга, хавфли кузатувдаги йўл инфратузилмаси объектларини барқарор фаолият кўрсатиши, сел оқимлари, тошқин ва кўчкилар хавфини камайтириш бўйича ҳам бир қатор ҳимоя тадбирлари бажарилди. Бундай ишларга 1,5 мингга яқин ходимлар, 300 га яқин махсус ва муҳандислик техникалари жалб этилди.


Режага кўра, декабрь ойида совуқ кунларда стратегик объектга хизмат кўрсатувчи ходимлар, ФВДТ бошқарув органлари ҳамда унинг куч ва воситалари иштирокида қўмондонлик-штаб ўқув машқини ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу жараён табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, йўл инфратузилмасини барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда фуқаро муҳофазаси тузилмалари шайлигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни камраб олади.

Қишки қаров учун, “Қамчиқавтойўл ИЙФК” ДМнинг 100 дан ортиқ махсус техника ва машина-механизмлари дислокация бўйича жавобгарлик ҳудудларида шай ҳолатга келтирилди. Машина-техникаларга ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ҳамда музламаларга қарши сепиш учун 10 минг тоннадан зиёд туз, 30 минг метр куб.дан ортиқ қум захиралари яратилди.

Эътиборлиси, довондаги умумий овқатланиш шахобчаларида стационар исиниш пунктлари ташкил қилиниб, 13 минг фуқарони иссиқ овқат билан таъминлаш чоралари кўрилган. Шу каби тадбирлар Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ва Ангрен шаҳрида, Наманган вилоятининг Поп туманида ташкил этилган.

А-373 “Тошкент–Ўш” автомобиль йўлининг 193- ва 268-км.да юк машиналарининг габаритлари ва оғирликларини ўлчаш ва текшириш ускуналари билан жиҳозланган





назорат пунктлари (тарози) фаолият юритмоқда. Бу пунктлар юк транспорт воситалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг камайишига хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, довон орқали транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланиши, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тўғрисидаги маълумотларни аҳолига ўз вақтида ва кенг етказилишини таъминлаш мақсадида, автомобиль йўлининг 212,9-км. ҳамда 273,5-км.рига “Электрон ахборот табло”лар ўрнатилиб, доимий иш фаолиятда бўлиши назоратга олинди. Улар орқали ҳудуддаги вазият тўғрисида ҳайдовчи ва йўловчиларга сўнгги маълумотлар тезкор етказиб турилибди.

Хабарингиз бор, жорий йил 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда. Ойлик давомида “Қамчиқ” довони ҳудудига қарашли аҳоли яшаш пунктлари, дам олиш масканлари, ошхона ва бошқа объектларда мавсумни беталафот ўтказиш, аҳоли ўртасида табиий ва ис газидан заҳарланиш, ёнғинлар билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тизимли профилактик ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ҳамда довонда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиниб, мутахассис тавсиялари бериб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, “Қамчиқ” довони орқали ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилардан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кузатиб боришни, мутахассис тавсияларига амал қилишни, хавфли ҳудудларга ўтмасликни, довон йўлларига чиқишда транспорт воситаларининг техник ҳолати, автошиналарнинг музламаларда ҳаракат қилишга яроқлилигига алоҳида эътибор қаратишларини эслатмоқчимиз. Зеро, биргина хато ҳам қимматга тушиши мумкинлигини унутмайлик.

**Х. БОБОНОВ,**
**“Қамчиқ” МҚЁҚБ бошлиғи,**
**полковник**

# Ангрен: ЯХШИ НИЯТЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ШАҲРИ

## ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ

**Азалдан кончилар ва энергетиклар маскани бўлган шаҳарда мустақиллик йиллари йўлчилар, қурувчилар, тадбиркорлар ҳам кўпайди. Эътиборлиси, шаҳримиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан йилдан-йилга жадал ривожланиб бормоқда. Буни жорий йилнинг тўққиз ойи якунларида ҳам яққол кўриш мумкин.**

**Хусусан, ўтган тўққиз ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 трлн. сўмни, экспорт ҳажми 54,3 млн. долларни ташкил этди. Дастурлар доирасида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида** *ўсиш суръати* ***135,4*** *фоизга етди.*

*Давлатимиз раҳбари томонидан 2023-2024 йиллар давомида ҳар бир шаҳар ва туманга камида 100 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш топшириғи берилган эди. Бу вазифани 2023 йилда 99,1 млн. долларга, 2024 йилда 146,9 млн. долларга бажаришга эришдик.*

*Шаҳарда инвесторлар билан ишлаш тизимли ташкил этилган. Ҳудуд раҳбарларининг тадбиркорлик субъектлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиши ижобий самара бермоқда. Мисол учун, "Гулбоғ" маҳалласи ҳудудидаги уч гектарли кичик саноат зонасида қатор инвестиция лойиҳалари жойлаштирилди.*

*"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти конларида иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва бюджет ташкилотлари эҳтиёжлари учун кўмир қазиб олиш йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда 3,7 млн. тонна кўмир қазиб олинган бўлса, ўтган йили бу рақам 5,8 млн. тоннани ташкил этди.*

**Қайд этилганидек, ҳудуддаги мавжуд имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар натижасида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўсишга эришилмоқда. Хусусан, Ангрен шаҳар мақомига эга бўлса-да, қишлоқ хўжалигига мослашган ер майдонларидан ҳам унумли фойдаланиб келиняпти. Кейинги йиллар давомида ўрмон ва балиқчилик соҳаларида кўрсатилган хизматлар ҳажми 101,5 фоизга етди.**

**Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, аҳоли даромадининг кўпайиши, тадбиркорлик ривожланиши натижасида солиқ тушумлари ҳажми ҳам ортиб, белгиланган режа 105 фоизга бажарилди.**

**Шаҳримиз кейинги йилларда улкан бунёдкорлик майдонига айланди.** Қурилиш-пудрат ишлари ҳажми тўққиз ойда 374,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 112,6 фоиздан ортди.

Ҳудудимиздан ўтувчи "Тошкент–Ўш" автомагистраль йўлининг реконструкция қилиниб, қайта ишга туширилиши натижасида пойтахтимизни водий вилоятлари билан боғлашда муҳим қўналға вазифасини ҳам ўтамоқда.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

**Албатта, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Яқинда шаҳримизни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, ҳудудга 2025-2026 йилларда 255,4 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланди.**

Қарор ижроси доирасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масаласида келаси беш йилда бир қанча лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида замонавий технологияларни татбиқ этиш учун 90,6 млрд. сўм ўзлаштирилади. Ичимлик суви тармоқларини модернизация қилиш харажатларига вазирлик маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу тадбирлар натижасида ичимлик суви таъминоти 2024 йил якуни билан 82 фоиздан 87,9 фоизга, 2025 йилда 89,6 фоизга, 2026 йилда 92,7 фоизга етказилади.

Шаҳарда электр энергия таъминотини яхшилашга 103 млрд. сўм ажратиш режалаштирилган бўлиб, 2025 йилда 15 млрд. сўм, 2026 йилда эса 88 млрд. сўм, шунингдек, газ таъминоти маъмурий биносини қуриш учун 3 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилиши шаҳар инфратузилмасининг янада барқарорлиги учун муҳим омил бўлади.

## ҲАР БИР СОҲА ЭЪТИБОРДА

Шаҳар марказининг архитектура қиёфасини тубдан ўзгартириш диққат марказимизда турибди. Хусусан, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида "Оҳангарон" кўчаси бўйлаб 1960-1965 йилларда қурилган таъмирталаб аҳволдаги 27 та паст қаватли уйлар ўрнида реновация дастурлари асосида замонавий кўп хонадонли тураржойлар барпо этиш режалаштирилган.





Эндиликда бўш турган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган бино ва иншоотлар электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини тизимли йўлга қўйиш замон талабидир. Ушбу йўналишда майдони 23,9 гектар бўлган 7 та бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини сотиш ҳисобига икки минг ўринли нодавлат мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 300 ўринли даволаш ва кунлик 1 минг 500 қатнов қувватига эга бўлган тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этишни режалаштирганмиз.

"Ангрен" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 317,6 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг тоифасини ўзгартириш ҳисобига 2025-2027 йилларда 18 та лойиҳа асосида маҳаллий ҳамда хорижий инвестициялар иштирокида 390 млн. доллар инвестиция киритилади ва 1 минг 150 та юқори даромадли янги иш ўринлари ташкил этилади.

Очиғи, Янгиобод ва Дукент қўрғонларида иссиқлик таъминотини ривожлантириш энг муҳим вазифа саналади. Яқин кунларда шаҳарда бешта энергия тежамкор замонавий қозонхоналар қурилади, 18,3 км. иссиқлик тармоқлари янгидан тортилади, 70,6 км. иссиқлик тармоқлари ва 12 та насос станцияси модернизация қилинади. Натижада 3 минг 80 хонадонга иссиқлик етказиб бериш сифати яхшиланади.

**Йўллар масаласи** тўғрисида гапирганда, манзилли дастурлар ва "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига шаҳар маркази, олис ва тоғли ҳудуддаги йўлларнинг ҳолати яхшиланганлигига алоҳида урғу бериш зарур. Айниқса, олис тоғли ҳудудда жойлашган "Лашкерак", "Нишбош", "Зарбулоқ" маҳаллаларининг йўлларини таъмирланиб, аҳолининг етмиш йиллик орзуси ушалди.

## ЭНГ МУҲИМИ – БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ

**Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки**, шаҳримизда аҳолининг кун сайин ўсиши ҳисобига йилига ўртача **3 минг 600** ўқувчи кўпаймоқда. Мазкур талабдан келиб чиқиб, тез орада **1 та** мактаб янгидан қурилади, **3 таси** реконструкция қилинади ва яна **3 та** умумтаълим мактаби реконструкция қилинади. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг билимли ва соғлом вояга етишига қаратилган.





Шаҳримизда спортни ривожлантиришга ҳам эътибор юқори. Айниқса, Ангрен бокс мактабидан етишиб чиққан чарм қўлқоп усталарининг халқаро миқёсдаги мусобақаларда эришаётган ютуқларидан фахрланамиз. Бу саъй-ҳаракатларимизни давом эттириб, "Озодлик" маҳалласида **250 ўринли** замонавий талабларга мос бўлган "Бокс мактаб-интернати"-ни ташкил этдик.









*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

## САЙЁҲЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**Маълумки, республикамизда 31 та туризм ҳудуди бўлса, шундан ўттизтаси туманлар, фақат биттаси шаҳар. У ҳам бўлса – Ангрен. Ҳақиқатан ҳам, табиати тоза, тоғлар бағрида жойлашган шаҳримизга сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпаймоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Лашкерак" қишлоғини чинакамига туризм масканига айлантириш бўйича берган топшириқлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.**

Шаҳримизнинг туристик салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро умуммавсумий дам олиш масканлари, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо, кўнгилочар ва бошқа сайёҳлик инфратузилма объектларини барпо этиш мақсадида "Янгиобод" ва "Лашкерак" маҳаллаларидаги 232 гектар ер майдонида туризм зонаси ташкил этилади. Шундан "Лашкерак" ҳудудида 150 млн. доллар инвестиция киритилиши ҳисобига 27 та лойиҳа амалга оширилиб, 350 та иш ўрни, "Янгиобод"да 170 млн. доллар инвестиция эвазига 12 та лойиҳа амалга оширилади ва 380 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Айни пайтда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши ва дам олишига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўп йиллардан бери эътибордан четда қолган "Шимолий боғ" давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий истироҳат масканига айлантириляпти. 2025 йилда мазкур боғни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бугун шаҳарда тун-кун ҳаёт қайнамоқда. Шунга мос равишда аҳолига ва шаҳримиз меҳмонларига янада қулай шароитлар яратиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, "Тараққиёт" маҳалласининг Обод турмуш кўчасини 24/7 тартибида фаолият кўрсатувчи савдо, кўнгилочар, гастрономик ҳамда санъат йўналишларига ихтисослаштирилган кўнгилочар туризм кўчасига айлантириш ҳаракати аллақачон бошланган.

Дарвоқе, ангренликлар маънавий-маърифий тадбирларда жуда фаолдирлар. Ҳозир шаҳримизда "Ангрен тарихи музейи", "Уфимцев" номидаги расмлар галереяси, Ахборот-кутубхона маркази, рус ва беларус миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Шаҳримизга келган ҳар бир меҳмон, албатта, мазкур даргоҳларнинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлади. Айниқса, Ахборот-кутубхона марказида китобхонлар ва ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказилаётгани аҳоли, шунингдек, ёшларда мутолаа маданиятининг янада ортишига хизмат қилмоқда.

Сирасини айтганда, шаҳарда одамларнинг фаровон яшаши учун зарур шароитлар яратиш борасида бундан беш-олти йил аввал бошланган ҳаётбахш ислоҳотлар эндиликда самара беряпти. Замонавий иншоотлар, янги лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат маркази ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, малакали тиббий хизмат йўналишлари кўҳна шаҳримизга янги нафас, янги ҳаёт тарзини олиб кирди.

Буларнинг барчаси Ангренда ҳам Янги Ўзбекистоннинг янги тамаддуни юз очаётганидан далолат бермоқда.

**Алишер РАЙИМОВ,**
**Ангрен шаҳар ҳокими**

**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)**

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

**Zoyir MIRZAYEV**
*(tahrir hay'ati raisi)*
**Abdusamad NOSIROV**
**Ummat MIRZAQULOV**
**Hotamjon SAYDAHMEDOV**
**G'afurjon MUHAMEDOV**
**Sayyora FAYZIYEVA**
**Tohir ARIPOV**
**Mahmud TOIR**
**Uskenboy ATEMOV**
**Abdulla XURSANOV**
**Kumush EGAMBERDIYEVA**
**Behzod QOBULOV**
**G'ulomjon SAMADOV**
**Zarifa ERALIYEVA**
**Sergey MUTIN**

Bosh muharrir:
**G'ayrat SHERALIYEV**

**Qabulxona:**
(55) 520-64-95

**Bosh muharrir o'rinbosari:**
(55) 520-04-10

**Mas'ul kotib:**
(55) 520-05-10

**Bo'lim muharrirlari:**
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

**E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:**
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
**Alloma AZIZOVA**

Navbatchi:
**To'xtamurod HASANBOYEV**

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 19:30
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1235.
2 830 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**
**Korxona manzili:**
**Toshkent shahri,**
**Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6